

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАР СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ
ИНФЕКЦИЯЛАРИ КЎЗГАТУВЧИЛАРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК
ТАВСИФИ ВА ТАКСОНОМИК БЕЛГИЛАРИ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИНИ
АНИҚЛАШНИНГ МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАРИ**

Д. Т. Исанова, Ю. Д. Азизов

Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: сийдик йўли, аёллар., кўзгатувчилар.

Ключевые слова: уретра, женщины, возбудители.

Keywords: urethra, women, pathogens.

Мақолада туғиш ёшидаги аёлларда кечадиган сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчилари штаммларининг патогенлигини баҳолашда сахароза ферментлаши ва гемолитик фаоллигининг ортиши ҳослиги асосланган. Сийдик йўли инфекциялари кўзгатувчиларининг адгезивлик даражаси ҳамда вирулентлиги касалликни истикболдаги аҳамияти исботланган. Ўткир ва сурункали сийдик йўли инфекциялари дифференциал ташхисотида сийдик антиадгезив фаоллиги даражаси исботланган. Илк бор йирингли яллиғланиш жараёни ҳисобига тери аутомикрофлораси микдорининг ортиши ўткир ва сурункали сийдик йўли инфекцияларида юзага келадиган организм дисбиози даражасига корреляцион боғлиқлиги исботланган.

**МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ И ОСОБЕННОСТИ ВАРИАБЕЛЬНОСТИ
ТАКСОНОМИЧЕСКИХ ПРИЗНАКОВ ВОЗБУДИТЕЛЕЙ ИНФЕКЦИЙ МОЧЕВЫВОДЯЩИХ ПУТЕЙ
У ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА**

Д. Т. Исанова, Ю. Д. Азизов

Андижанский государственный медицинский институт, Андижан, Узбекистан

Статья основана на специфике старшей ферментации и гемолитической активности инфекций мочевыводящих путей у женщин. Качество адгезивных уровней инфекций и вирулентных заболеваний мочевыводящих путей. Уровень антиактивной активации мочи доказывается в дифференциальной диагностике острых и хронических инфекций мочи. Увеличение количества автоматизации кожи благодаря предикторам гнойного воспалительного процесса доказана корреляция в зависимости от уровня дисбиоза организма, которое происходит в моче.

**FOR DETERMINING THE VARIABILITY OF THE MICROBIOLOGICAL CHARACTERISTICS AND
TAXONOMIC CHARACTERISTICS OF THE PATHOGENS OF URINARY TRACT INFECTIONS IN
WOMEN OF REPRODUCTIVE AGE**

D. T. Isanova, U. D. Azizov

Andijan state medical institute, Andijan, Uzbekistan

The article is based on the specifics of older fermentation and hemolytic activity of the stalk of urinary tract infections in women's excitation. The quality of adhesive levels of infections and virulent diseases of urinary tracts. The level of anti-active activation of urine is proved in the differential diagnosis of sharp and chronic urine infections. Increasing the amount of skin automation due to the purulent inflammatory process's predicates, the correlation is proved depending on the level of dysbiosis, which occurs in urine solutions.

Мавзуни долзарблиги. Дунёда тиббиёт соҳасида ўтказилаётган кенг камровли илмий-амалий ҳамда фундаментал тадқиқотлар натижасида аниқланишича, одамларда кўп учрайдиган бактериал инфекциялардан бири бу сийдик йўллари инфекцияларидир. Ушбу инфекциялар барча ёшдаги аҳоли орасида кўп тарқалган бактериал инфекция ҳисобланади. Маълумотларга кўра, «сийдик йўли инфекциялари билан касалланиш янги туғилган чақалоқлар ўртасида 1,0%, мактабгача ёшдаги болаларда 2-3% (ўғил/қизлар нисбати 1:10) қарияларда 20-30%ни ташкил қилади». Сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчилари асосан периуретрал соҳани колонизация қилувчи микрофлора ҳисобланади. Булар орасида асосан Enterobacteriaceae оиласига мансуб бўлган E.coli етакчилик қилади. Сийдик йўли инфекцияларни микробиологик баҳолашни илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизмини ишлаб чиқиш бугунги кундаги хал қилиниши зарур долзарб муаммолардан биридир [4,7].

Жаҳонда ўткир ва сурункали сийдик йўллари инфекцияларини эрта ташхислаш, патогенетик даволаш, профилактикасини такомиллаштириш бўйича юқори самарага эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ушбу инфекциялар патогенези, ташхиси, даво тактикаси, касаллик якуни истиқболи улар этиологиясига узвий боғлиқлиги бўйича илмий манбалар мавжуд. Кўп давлатларнинг нуфузли илмий ҳамда клиник марказларида ўткир ва сурункали сийдик йўллари инфекцияларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда, бироқ сийдик йўли инфекциялари қўзғатувчилари асосий таксономик белгилари ўзгарувчанлик даражаси, улар вирулентлигининг макроорганизм иммунобиологик ҳолати билан боғлиқлиги, даволаш самарадорлигини аниқловчи мезонлар яратилиши, ушбу микроорганизмларнинг аёл турли биотопларида дисбиотик ҳолат келтириб чиқариши механизмлари ҳамда уларни даволаш бўйича оптимал схемаларнинг яратилиши, амалиётга жорий этилиши устувор йўналиш бўлиб қолмоқда [2,3].

Тиббий-биологик фанларга оид ҳар қандай диссертация ишини режа асосида бажариш, ишонарли натижа ва хулосалар олиш учун етарли даражада бирламчи материал йиғиш, бунинг учун эса замонавий усуллардан фойдаланиш, олинган натижаларни статистик ишлаш ҳамда далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари асосида таҳлил қилиш керак [1,8].

Шахсий изланишлар натижаларини баён этишда илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми, материали миқдори, замонавий усулларнинг қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ўрганилган контингентга тавсиф бериш, уларни рандомизацияланган гуруҳларга бўлиш, уларнинг репрезентативлигига эришиш зарур. Шунингдек, фойдаланилган усулларнинг олинган натижалар ишончилигига улкан таъсирини инобатга олган ҳолда уларга таъриф бериб ўтдик [9].

Тадқиқот материали. Мазкур диссертация ишини бажариш мақсадида жами 1026 нафар туғиш ёшидаги (18-49 ёш) СЙИ билан касалланган (асосий гуруҳ) ва соғлом (назорат гуруҳи) аёллар тадқиқотларга жалб қилинди. Улар сийдиги намуналари бактериологик текширувдан ўтказилди. Клиник материал касаллик варақалари ва амбулатор карталаридан олинди.

Текширилган туғиш ёшидаги бемор аёллар (асосий гуруҳ, n=986) ёш гуруҳларига куйидагича тақсимланди:

- 18-35 ёш - етук репродуктив ёш (n=578, 58,6±1,6%);
- 36-49 ёш - кеч репродуктив ёш (n=408, 41,4±1,6%).

Солиштириш мақсадида шакллантирилган назорат гуруҳига киритилган туғиш ёшидаги соғлом аёллар ҳам (n=40) шу ёш гуруҳлари бўйича тақсимланди:

- 18-35 ёш - етук репродуктив ёш (n=25, 62,5±7,6%);
- 36-49 ёш - кеч репродуктив ёш (n=15, 37,5±7,6%).

СЙИ кузатилган бемор аёллар гуруҳига сийдик йўллари ҳолатига патологик нуқтаи назардан салбий таъсир этувчи касб касалликлари билан касалланган бемор аёллар, сийдик йўлларида махсус қўзғатувчилар (сил, сўзак, захм қўзғатувчилари ва бошқалар) чақирган инфекциялар, сийдик йўллари ўсма касалликлари, сурункали нефрологик касалликлар кузатилган аёллар киритилмади.

Натижалар ва муҳокамлар: Соғлом аёллар гуруҳига СЙИ билан касалланмаган, охириги 2 йилда бундай касалликларга хос симптомлар кузатилмаган аёллар киритилди, уларнинг ёши, турмуш тарзи, яшаш шароити бемор аёллар гуруҳи билан репрезентатив бўлди.

Бошқа назорат гуруҳини шу ёшдаги (18-49 ёш) эркак жинсига мансуб соғлом шахслар ташкил (n=30) этди. Улар сийдиги намуналари ҳам аёлларники сингари бактериологик текширувдан ўтказилди.

СЙИ қўзғатувчилари орасида минтақавий тафовутлар бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида олинган микробиологик тадқиқотлар натижаларини беморлар турар жойига нисбатан таққослаш мақсадида Андижон (бемор аёллар - n=628, 63,7±1,5%; соғлом аёллар - n=23, 57,5±7,8%) ва Хоразм вилоятларида (бемор аёллар - n=358, 36,3±1,5%; соғлом аёллар -

1 жадвал

СЙИ ташҳисланган бемор аёлларнинг тадқиқот бошланиши давридаги ҳомиладорликлар, туғишлар ва абортлар кўрсаткичлари, n=278.

Ҳомиладорликлар			Туғишлар			Абортлар		
Миқдори	Мут	%	Миқдори	Мут	%	Миқдори	Мут	%
1	66	23,7	1	62	23,6	1	23	43,4
2	61	21,9	2	56	21,4	2	10	18,9
3	84	30,2	3	55	21,0	3	4	7,5
4	37	13,3	4	27	10,3	Бола ташлаш	16	30,2
5	11	4,0	5	7	2,7	Жами	53	100
6 ва кўп	3	1,1	6 ва кўп	2	0,8			
Ҳомиладор эмас	16	5,8	Туғиш йўқ	53	20,2			
Жами	278	100	Жами	262	100			

Изоҳ: Мут – мутлоқ сонларда; % - нисбий сонларда.

n=17, 42,5±7,8%) муқим истиқомат қилувчи аёллар ўрганилди.

Микробиологик тадқиқотларга жалб этилган барча текширилган туғиш ёшидаги (18-49 ёш) СЙИ кузатилган бемор аёлларнинг (n=986) 194 нафарига ўткир СЙИ, 84 нафарига сурункали СЙИ ташҳиси (жами n=278) клиник, лаборатор-инструментал усуллар ёрдамида верификация қилинди, бактериологик усуллар ёрдамида тасдиқланди.

СЙИ ташҳисланган туғиш ёшидаги бемор аёлларнинг тадқиқот бошланиши давридаги ҳомиладорликлар, туғишлар ва абортлар кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилди.

Бемор аёллар ҳаёт ва касаллик ривожланиш анамнезларини йиғиш, клиник ташҳис кўйиш, даволаш тадбирларини олиб бориш стационар ва амбулатор шароитда клиницистлар томонидан олиб борилгани, биз фақат бемор аёллардан олинган биологик ашё билан бактериологик тадқиқотлар ўтказганимиз боис, пациентларнинг анамнестик маълумотлари статистикаси ва таҳлиliga тўхталиб ўтирмадик, зеро бактериологик тадқиқотлар натижаларига уларнинг таъсири амалий жиҳатдан кузатилмади.

Кўзгатувчилар спектри бўйича жинслараро тафовут бор-йўқлигини аниқлаш, аёллар кўрсаткичлари билан таққослаш мақсадида 25 нафар СЙИ кузатилган эркаклар сийдик намуналари ҳам микробиологик таҳлил қилинди, уларга ҳам ўткир ва сурункали СЙИ ташҳиси қўйилган.

Соғлом ва бемор аёл ҳамда эркакларни тиббий илмий тадқиқотларга жалб этиш билан боғлиқ барча этик тамойиллар Жаҳон Тиббиёт Ассоциациясининг Хельсинки Декларацияси (Хельсинки, 1964 йил, охириги тўлдириш Сеул, 2008 йил) асосида амалга оширилди.

Барча изланишлар 2008-2015 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бактериологик лабораторияси ва Урганч шаҳар темир йўл тармоқлари ДСЭНМ бактериологик лабораториясида ўтказилди.

Тадқиқот жараёнида культуралар идентификациясидан сўнг, кейинги чуқурлаштирилган in vitro текширувлар, микроорганизмлар адгезивлик хусусияти, сийдик антиадгезивлик фаоллигини аниқлаш мақсадида сийдик намуналаридан ўсган Escherichia coli нинг 24 та штамми (ўткир ва сурункали СЙИ ташҳисланган 12 нафардан аёллардан олинган) ажратиб олинди. Турли биологик хусусиятларни таққослаш мақсадида шу ёшдаги соғлом аёллар нажасидан идентификация қилинган Escherichia coli нинг 15 та штаммидан фойдаланилди.

Хулоса: Туғиш ёшидаги аёлларда кечадиган сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчилари штаммларининг патогенлигини баҳолашда сахароза ферментлаши ва гемолитик фаоллигининг ортиши хослиги асосланган.

Сийдик йўли инфекциялари кўзгатувчиларини штаммларининг адгезивлик даражаси ҳамда вирулентлиги касалликни истиқболдаги аҳамияти исботланган.

Ўткир ва сурункали сийдик йўли инфекциялари дифференциал ташҳисотида сийдик антиадгезив фаоллиги даражаси исботланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Boltaeva R.Sh. To study the variability of taxonomic symptoms and resistance to antibiotics in female urinary tract infections. A dissertation is written for a master's degree. - Tashkent, 2014. - 76 p.
2. Gadzhieva Z.K., Kazilov Yu.B. Features of the approach to the prevention of recurrent lower urinary tract infections // Urology: Appendix. - Moscow, 2016. - No. 3. - P.65-76.
3. Galeeva E.V., Samarina O.Yu. Experience of using the test system DipStrik for bacteriological express-analysis of urine at the stage of the standardized technology "Bacteriological analysis of urine" // Clinical laboratory diagnostics. - Moscow, 2012. - No. 9. - P.48-52.
4. Glazovskaya L.S. Epidemiology and prevention of nosocomial urinary tract infections in surgical and obstetric hospitals: the dissertation, PhD, docent - Kemerovo, 2005.- 136 p.
5. Mamarasulova D., et al.,: Comparative Analysis of Mortality Structure among the Population of Andijan Region for 2016– 2018//Journal of Cardiovascular Disease Research, Vol 11, Issue 2, April June, 2020: P. 01 - 03.
6. Hajiyeva Z.K. Features of the approach to the diagnosis and treatment of recurrent infections of the lower urinary tract // Urology. - Moscow, 2013. - No. 3. - S.84-90.
7. Valyshev A.V., Elagin N.N., Bukharin O.V. Anaerobic microflora of the female reproductive tract // ZhMEI. - Moscow, 2001. - No. 4. - P.78-84.
8. Vilyukha A.I., Voshchula V.I., Nitkin D.M. Clinical validity of immunoprophylaxis of recurrent lower urinary tract infection in women // Collection of materials of the Republican scientific-practical conference of young scientists "Minsk council". - Minsk, 2014. - P.27-28.
9. Voshchula V.I., Vilyukha A.I. Uncomplicated lower urinary tract infection in women and its prevention // Arsmedica. - 2012. - No. 5. - P.98-104.